

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019. ТАР.78.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

ШАРОПОВА НИГОРА АҚБАРОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДА УМУМТАЪЛИМ
МАКТАБЛАРИ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ВА УНИНГ
НАТИЖАЛАРИ (1991-2017 йй)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2021

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по историческим наукам**

**Contents of Dissertation abstract of the doctor of Philosophy (PhD)
on historical sciences**

Шаропова Нигора Акбаровна

Ўзбекистон жанубий вилоятларида умумтаълим мактаблари тизимидаги
ислохотлар ва унинг натижалари (1991-2017 йй).....3

Шаропова Нигора Акбаровна

Реформы в системе общеобразовательных школ южных областей
Узбекистана и их результаты (1991-2017 гг.).....25

Sharopova Nigora Akbarovna

Reforms in the system of secondary schools in the southern regions
of Uzbekistan and their results (1991-2017).....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works53

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019. ТАР.78.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ШАРОПОВА НИГОРА АҚБАРОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАРИДА УМУМТАЪЛИМ
МАКТАБЛАРИ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ВА УНИНГ
НАТИЖАЛАРИ (1991-2017 йй)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Tar253 билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tersu.uz) ва "ZiyoNET" ахборот-таълим портали (www.ziyo.net) да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эргашева Юлдуз Алимовна
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қобулов Эшболта Отамуродович
тарих фанлари доктори, доцент

Мўминова Гавхар Эсоновна
тарих фанлари доктори, доцент

Ётақчи ташкилот:

Низомий номидаги Тошкент
давлат педагогика университети

Диссертация химояси Термиз давлат университети ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини берувчи PhD.03/30.12.2019. Таг.78.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "10" 08 соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол Авлод кўчаси, 43-уй. ТерДУ, 2-бино, 4-қават, мажлислар зали). Тел.: (99876) 221-74-55, факс: (376) 221-71-17, e-mail:termizdu@mail.uz.

Диссертация билан Термиз давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (25-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, ТерДУ. Баркамол Авлод кўчаси, № 43 уй). Тел: (99876) 224-15-82, факс: (376) 221-74-55, 221-71-17.

Диссертация автореферати 2021 йил "29" 07 кунда тарқатилди.
(2021 йил "29" 07 даги 25 рақамли реестр баённомаси).



Н. Турсунов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.н., профессор

Х.Х. Холмўминов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

Ш.Б. Шайдуллаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, т.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон давлатлари ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишини белгилашнинг асосий шартларидан бири умумтаълим тизимининг йўлга қўйилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Бугунги кунда ривожланган давлатларда таълим соҳасида ўзига хос стратегия ишлаб чиқилиб, таълим тизимида доимий равишда янгиланишлар ва ўзгаришлар юз бермоқда. Бу борада ЮНЕСКО Халқаро ташкилоти томонидан бир вақтнинг ўзида ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган мамлакатларнинг таълим сифатини ошириш юзасидан изчил тадбирлар олиб борилмоқда. Хусусан, таълим ислохотлари, соҳага ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш, ўқитувчилар малакасини ошириш шулар жумласидандир. Ўзбекистонда ҳам таълим соҳасини ривожлантириш бўйича ЮНЕСКОнинг турли лойиҳалари доирасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Дунёнинг АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Туркия, Япония ва Корея каби мамлакатлари илмий тадқиқот марказлари ва университетларида таълим тизими тарихи даврий (ўрта асрлар, янги ва замонавий таълим), минтақавий (Америка, Европа ва Осиё) характеридан келиб чиқиб тадқиқ этилмоқда. Хусусан, мактаб таълимни ривожлантириш омиллари, таълим тизими ҳуқуқий асоси, таълимни ривожлантириш бўйича давлат дастурларининг амалиётга татбиғи, хусусий таълим муассасаларининг жамият ривожигаги ўрни, мактаб моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим модернизациялари масалаларига бағишланган илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларида таълим тизимида жиддий ислохотлар олиб борилиб муайян ютуқлар қўлга киритилмоқда. Шунингдек, кенг жамоатчиликнинг истаклари инобатга олиниб, 11 йиллик мактаб таълими тизими қайта тикланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кейинги уч йилда халқ таълими тизимига оид 6 та фармон ва қарор, Вазирлар Маҳкамасининг 21 та қарори қабул қилинди. Бу эса соҳадаги ислохотларнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилди. 2018 йил 20 июнда Ўзбекистон Республикаси **Вазирлар Маҳкамасида халқтаълими тизимини тубдан ўзгартириш, уни замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш борасида қўйилган вазифалар ижросига бағишланган видеоселектор йиғилишида Ш.М. Мирзиёев ўқитувчиларнинг** ҳозирги аҳволидан умуман қониқмаётганлиги, жамиятдаги энг обрўли касб эгаси бўлишига қарамасдан турли хил тозалаш, дала ишларига жалб қилиниши натижасида уларнинг иш сифатига салбий таъсир кўрсатиб келганлигини таъкидлайди. “Ўқитувчини ҳурмат қилмагани мен ҳам ҳурмат қилмайман” дея қайд этади Президент¹. Ушбу жараёнларни бугунги кунда тарих фанининг янги назарий методологияси нуқтаи-назардан тадқиқ этиш ва улардан сабоқ чиқариш долзарб масалалардан биридир.

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўқитувчини ҳурмат қилмагани мен ҳам ҳурмат қилмайман // Халқ сўзи, 2018 йил 21 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сонли “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3180-сонли “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори ва тизим фаолиятини такомиллаштиришга оид қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш жараёнини ўрганишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” дастури устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Муаммони илмий тадқиқ этиш даражасини аниқлашда мавзуга оид адабиётлар ва илмий тадқиқот ишларини икки гуруҳга ажратиб таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Биринчи гуруҳга мустақиллик йилларида мавзуга доир эълон қилинган ишлар, иккинчи гуруҳга бевосита Марказий Осиё маданий ҳаётини ўрганиш борасидаги хорижий илмий ишлар киритилади.

Таълим соҳаси тарих фани тадқиқотчилари диққат марказида турган асосий мавзулардан бири бўлиб келган. Биринчи гуруҳ адабиётлари ва илмий тадқиқотлари мустақиллик йилларида яратилган бўлиб, уларда таълим тизимининг турли босқичларида амалга оширилган ислохотлар, соҳа муаммолари ва унинг ечимига доир масалалар ўз аксини топган².

²Назарова Б. П., Кальметов Б. Д., Мирзаев А. Н. Образовательный потенциал в развитии производительных сил Узбекистана. – Тошкент: Фан, 1991; Зарифов А. Эски мактаб эскирганми? // Маърифат, 1992. 8 апрель; Эргашев К. Школа на пути перестройки. – Тошкент: Фан, 1992; Маврулов А. Маънавий соғломлаштириш даври. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992; Кальметов Б. Образовательный комплекс Узбекистана в условиях формирования рыночных отношений: образ. – Ташкент: Фан, 1993; Аббосова М. Развитие образования в зарубежных стран (1950-1990 гг.). – Ташкент: Фан, 1994; Йўлдошев Ж. Ғ. Хорижда таълим. – Тошкент: Шарқ, 1995; Султонов М. С. Истиқлол таълими: (Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари билан суҳбат) / Суҳбатдош А. Ахмедов // Бошланғич таълим, 1996. – №5; Юнусов А.Б. Ўзбекистон таълим тизимини шакллантиришда хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш // Таълим ва тарбия, 1997. – №3-4. Жумабоев И. Ж. Ҳаёт мазмуни ва комил инсон муаммоси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997; Очилов С. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997; Жўраев Р. Х. Таълимда табақалаштириш (хорижий тажрибалар). – Тошкент: Фан, 1998; Ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги концепцияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1998; Хасанов Б. Миллий ўқитувчи кадрлар: янги ва эски мактаблар // Халқ таълими, 1998 – №6; Қодиров Б. Таълим тизимидаги ислохотлар, мақсад ва йўналишлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999; Эргашев Қ. Ўзбекистонда халқ таълимининг ривожланиш тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999; Кадрлар тайёрлаш дастури: педагогик илмий тадқиқот муаммолари ва йўналишлари. – Тошкент: Фан, 1999; Маҳмудов Б. Қашқадарё халқ таълимининг тараққиёт йўли. – Қарши, 1999; Қодиров Б. Таълим тизимидаги ислохотларнинг мақсад ва йўналишлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999; Курбанов Ш., Сетхалилов Э. Непрерывное образование в Национальной модели подготовки кадров. – Ташкент: Маърифат, 1999; Национальная модель по подготовки кадров; влияние на развитие общества. – Ташкент: Университет, 1999; Баркамол авлод орзуси. – Тошкент, 2000; Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000; Йўлдошев Ж. Таълим янгиланиш йўлида. – Тошкент: Ўқитувчи, 2000; Содействие реформирование системы непрерывного образования Республики

Кўплаб қатор тадқиқот ишлари ҳам олиб борилиб, ҳимоя қилинди.³ Қ.Эргашевнинг “Ўзбекистон умумтаълим мактабларининг ривожи, 1970-1990 йиллар: муаммолар ва тенденциялар” мавзусидаги докторлик диссертацияси янгича услубий ёндашувлар ва танқидий мушоҳадалар асосида ёзилган бўлиб, у ўзининг илмий ҳолислиги ва таълим-тарбия борасидаги илмий хулосалари ва тавсиялари билан масаланинг моҳияти учун муҳимдир⁴. Шунингдек, бу даврда педагогика йўналиши тадқиқотчилари томонидан ҳам жиддий изланишлар олиб борилди⁵.

Ўзбекистан. – Ташкент: Молия, 2000; Истиқлол ва таълим: Халқ таълими мустақиллик йилларида (1991-2001) Р.Ҳ. Жўраев таҳрири остида. – Тошкент: Шарқ, 2001; Национальная модель и программа по подготовки кадров-достижения и результат независимости Узбекистана. – Ташкент: Маърифат, 2001; Сурхондарё тарих кўзгусида / Авт.: С. Турсунов, Э. Қобилов, Т. Пардаев ва бош. – Тошкент: “Шарқ”, 2001; Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш конценцияси. – Тошкент: Шарқ, 2002; Сафарова Р., Мусаев У., Мусаев П. Ўзбекистон Республикаси ўрта таълим стратегияси муаммолари ва таълим мазмунининг янги моделлари, уларни татбиқ этиш йўллари. – Тошкент: Фан, 2005; Таълим мазмунини модернизациялаш босқичларида педагогик кадрлар тайёрлашнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2006; Аъзамова К. Жумаев Ш. Маънавият ва маърифат иши: Маънавият ва маърифат соҳасида ишловчилар учун илмий-услубий қўлланма. – Тошкент: Академия, 2006; Зуннунов А., Толипов Ў. Миллий кадриятлар асосида ўқувчи шахсини шакллантириш. – Тошкент: Шарқ, 2006; Эркаева С. Н. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда педагогик фикрлар (1992-2005 йй.). – Тошкент: Фан, 2006; Турсунов С., Тўхтаев А. Жарқўрғон. – Тошкент: Фан, 2008, Эргашев О. Баркамол авлодни тарбиялаш омиллари // Насаф ва Кеш тарихи манбаларда мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Қарши, 2010; Эргашева Ю.А. Қашқадарё истиқлол йилларида таълим, илм-фан, адабиёт ва санъат // Насаф ва Кеш тарихи манбаларда мавзусидаги конференция материаллари. – Қарши, 2010; Матякубов Х. Таълимда Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлиги истиқболлари: (Хорижий таълим) // Uzluksiz ta'lim, 2011. – №1; Турсунов С., Рашидов Қ. Бойсун – Тошкент: Akadimnashr, 2011; Турсунов С., Эшбоев Қ. Шўрчи тарихидан лавҳалар. – Тошкент: “Fan va texnologiya”, 2013 йил; Турсунов С., Турсунов А., Тоғаева М. Шеробод тарихидан лавҳалари. – Тошкент: “Yangi nashr”, 2014; Ўзбекистонда фан, таълим, ишлаб чиқариш ва ёшлар тарбияси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Қарши, 2016; Эргашева Ю.А. Формирование национальной модели образования в Узбекистане за годы независимости. // Almamater. Вестник высшей школы, 2017, №9; ³Иноятлов И. Из истории развития многонациональной школ в Узбекистане: опыт и проблем (1980-1990 гг.). – Автореф. дисс...канд.ист.наук. – Ташкент, 1995; Эргашев К. Развития общеобразовательной школы в Узбекистане. 70-е – 90-е гг: Проблемы и тенденции. – Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – Ташкент: 1996; Эргашева Ю. Культура Узбекистана: состояние, тенденции и проблемы развития (50-60-е годы): Автореф. дисс. ... докт.ист. наук. – Ташкент, 1998; Чариев А. Народное образование и подготовка педагогических кадров в Узбекистане в условиях советского тоталитаризма (противоречия между системами традиционно национальной и советской.: Автореф. дисс... докт...истнаук... – Ташкент, 1998; Курбанов Ш. Э. Социально-педагогические особенности национальной модели и программ по подготовке кадров: Автореф. дисс...канд. ист. наук. – Ташкент, 2000; Сиддиков Р.Б. Среднее специальное профессиональное образование Узбекистана в период советского тоталитаризма в годы независимости (1945-2001 гг.). – Автореф. дисс...канд. ист. наук. – Ташкент, 2002; Васиева Д. И. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Университет таълимининг шаклланиши ва ривожланиши: тажриба ва муаммолар (1991-2001 йй): Тарих фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент, 2008; Тиллаев Э. Р. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ўзгаришлар (Жанубий вилоятлар мисолида). Тарих фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент, 2010; Темирова Ч. Х. Ўзбекистон қишлоқларини ривожлантиришнинг ижтимоий-маданий аспекти: ҳолати ва муаммолари (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мисолида. 1991-2008 йй): Тарих фан. номз. дисс... автореф. – Тошкент, 2011; Мустафаева Н.А. Мустақиллик ва совет даври тарихшунослигида Ўзбекистоннинг XX аср маданияти. Тарих фан. докт...дисс. автореф. – Тошкент, 2016;

⁴Эргашев К. Развития общеобразовательной школы в Узбекистане. 70-е – 90-е гг: Проблемы и тенденции. – Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – Ташкент, 1996.

⁵Каримов Р. Умумий ўрта таълим давлат таълим стандарти мониторингини таъминлашининг педагогик асослари. – Педагог. фан. ном. дисс. Автореф. – Тошкент, 2006; Исмоилова М. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг назарий ва экспериментал-методик асослари. – Педагог. фан. ном. автореф.- Тошкент, 2006. Сабирова Г.С. Умумтаълим мактабларида ўқувчиларга инглиз тилини ахборот технологиялари асосида ўргатиш технологиялари. – Педагог. фан. ном. дисс. автореф. – Тошкент, 2017; Қаҳҳорова Д. С. Умумтаълим мактабларида инклюзив таълимнинг педагогик-психологик жиҳатларини такомиллаштириш. – Педагог. фан. ном. дисс. автореф. – Самарқанд, 2019;

Иккинчи гуруҳ тадқиқотларига хорижий адабиётлар киритилиб, улар асосан Марказий Осиё маданияти таҳлилига бағишланган⁶. Демак, таълим тарихи кўплаб хориж тадқиқотчилари эътиборини ҳам ўзига жалб этиб келаётган мавзулардан бири ҳисобланади.

Умуман, мавзу тарихшунослиги таҳлили шундан далолат берадики, Ўзбекистонда умумтаълим тизими тарихи ўтган асрда атрофлича ўрганилган бўлса-да, аммо кейинги даврда бу мавзуга доир фундаментал асарлар яратилмади.

Тадқиқотнинг мақсади мустақиллик йилларида Ўзбекистон жанубий вилоятларида умумтаълим мактаблари тизимидаги ислохотларни ва унинг натижаларини очиқ беришдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

1992 ва 1997 йилларда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва унинг умумтаълим соҳасидаги ислохотларга таъсирини ўрганиш;

мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон жанубий вилоятларида умумтаълим тизимидаги ўзгаришларни тадқиқ этиш;

Ўзбекистон жанубий вилоятлари умумтаълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш муаммоларини таҳлил этиш;

умумтаълим соҳасини ўқитувчи кадрлар билан таъминлашда уларнинг малакасини ошириш ишининг ҳолатини ҳамда муаммоларини очиқ бериш;

умумтаълим мактабларида ўқув-тарбиявий ишларнинг йўлга қўйилиши ва уларнинг натижасинини ёритиш;

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари умумтаълим мактабларида маънавий-маърифий ва спорт соҳадаги тадбирларни очиқ бериш;

мустақиллик йилларида Ўзбекистонда умумтаълим мактаблари тизимини ривожлантиришга оид таклиф ва мулоҳазаларни баён қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон жанубий вилоятларида умумтаълим мактаблари тизимидаги ислохотлар ва унинг натижалари танланган.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистон жанубий вилоятларида умумтаълим тизимидаги ўзгаришлар, мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирлари, уларни кадрлар билан таъминлаш, мактабларда таълим-тарбия ишларининг йўлга қўйилиши ташкил этади.

⁶Gloason Gregory. The central Asia States: Discovering Independence. Boulder. Colorado Westview Press. 1997; Mayhew Bradley Plunkelt, Richard. Richmond, Simon. Lonely Planet Central Asia 2 thed. Lonely Planet Pub. 2000; The new Central Asia: The Creation of Nations by Oliver Ray. New York University Press, 2000; Богуславский М.В. XX век российского образования. – Москва: ПЕР СЭ, 2002; Белозерцев П.Е. Образование: историко-культурный феномен. – СПб.: Юрид.центр Пресс, 2004; Джуринский А.Н. История педагогика и образования. – М., 2004; Торосян В.Г. История образования и педагогической мысли. Москва: Изд-во ВЛАДОС – ПРЕСС. – 2006; Antonenko Oksana. Towards a new cooperative security model for Central Asia // Центральная Азия в XXI веке: сотрудничество, партнерство и диалог. Материалы международной конференции (13-15 май, 2003 г, Ташкент). – Ташкент «Шарк», 2004; Nadir Devlet. Ethnicity and power: relations between the Central Asian states // <http://sam.gov.tr/wp-content/uploads/2012/02/NadirDevlet.pdf> Электрон ресурс; Adrienne L. Edgar. “Identities, Communities, and Nations in Central Asia: A Historical Perspective”. 10/29/2001 panel: Edgar presentation // <http://socrates.berkeley.edu/~iseees/>; Sartori P. Visions of Justice: Sharia and Cultural Change in Russian Central Asia. – Brill, 2016;

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тарихийлик, кетма-кетлик, қиёсий таҳлил, тизимлаштириш, статистик таҳлил ва оғзаки тарих усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда ижтимоий вазият ва унинг умумий ўрта таълим тизимига таъсири, мактабларни ташкил этишда ҳудуднинг демографик хусусиятлари ҳисобга олинмаганлиги, умумий ўрта таълим тизимида рақобатнинг йўқлиги кейинги таълим босқичлари сифатига салбий таъсир кўрсатганлиги ва тизимга дифференциал ёндашувнинг зарурияти аниқланган;

1991-1997 йилларда умумтаълим мактаблари тизими муаммолари, хусусан, ҳуқуқий базанинг етарли эмаслиги, моддий таъминотнинг ночорлиги, кадрлар танқислиги ва соҳа мутахассислари малакасининг етарли эмаслиги кабилар Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мактаблари фаолияти мисолида очиб берилган;

1997-2016 йилларда жанубий вилоятларнинг умумтаълим мактаблари, ўқувчилари ва ўқитувчилар сони динамикаси шаҳар ва туманлар кесимида тарихий даврларга бўлинган ҳолда аниқланиб, умумтаълим мактабларида ўқувчиларни Интеллектуал, маънавий-маърифий тарбиялашга юзаки ёндашиш, уларга таълим беришда мажбурий фанлар улушининг юқорилиги, хусусий таълимга шаклида рақобатнинг йўқлиги каби самарасиз механизм ўқувчилар онгининг замон талабидан ортда қолишига ҳамда уларнинг дунёқарашининг саёз бўлишига сабаб бўлганлиги очиб берилган;

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари умумтаълим мактаблари битирувчиларининг олий таълим муассасаларига қамраб олиш кўрсаткичи туманлар кесимида аниқланиб, ихтисослашган мактаблари ва улар фаолиятида ўқувчиларнинг мактаб ҳаётига қийинчиликсиз ўрганишини таъминлаш, ҳар бир ўқувчининг қобилиятини ривожлантириш устида ишлаш каби ўхшаш ва мактаб молиявий таъминоти, ишлайдиган ота-оналарга қулайлик яратиш каби фарқли жиҳатлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда таълим ислохотларининг муаммолари, уларни бартараф этиш омиллари аниқланиб, Ўзбекистонда умумтаълим мактаблари ислохотларини чуқурлаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқилган;

таълим тизимини янада такомиллаштириш, хусусан, мактабларни молиялаштириш, педагогик кадрлар тайёрлашда турли соҳалар ҳамкорлигини таъминлаш, соҳа тарихи ва ҳозирги кундаги аҳволига доир сўровномалар ўтказишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

умумтаълим тизими тарихига доир бир қатор ҳужжатлар ўрганилиб, янги маълумотлар илмий муомалага киритилган;

Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва ўқитиш учун муҳим амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация ишида тарих фанида тан олинган ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, кўплаб бирламчи манбалар ва илмий адабиётлардан фойдаланилгани ҳамда хулоса, таклиф,

тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда мустақиллик шароитида умумтаълим тизими ислохотларининг бориши, умумтаълим мактаблари тарихи тўғрисида илмий-назарий билимларни янада чуқурлаштириш, ушбу масалага доир илмий хулосаларни амалиётга жорий этиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланиши, таълим соҳасини тадқиқ этишга бағишланган мақсадли давлат дастурлари бажарилишига, хусусан, олий ўқув юртлари ва ўрта махсус таълим тизимида дарсликлар, ўқув қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон жанубий вилоятлари умумтаълим тизими тарихи тадқиқоти давомида олинган илмий натижа ва амалий таклифлардан:

1991-1997 йилларда умумтаълим мактаблари тизими муаммолари, хусусан, ҳуқуқий базанинг етарли эмаслиги, моддий таъминотнинг ночорлиги, кадрлар танқислиги ва соҳа мутахассислари малакасининг етарли эмаслиги кабилар Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мактаблари фаолиятига оид илмий натижаларидан Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида бажарилган ОТ-Ф8-211 рақамли “XX аср Ўзбекистон маданияти тарихи” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 19 сентябрдаги 89-03-3575-сонли маълумотномаси). Натижада маданий ҳаётини ривожлантиришда таълим тизими ислохотларининг ўрнини, давлат ва жамият ривожига таълим-тарбия ҳал қилувчи омиллардан бири эканлигини асослаб беришга хизмат қилган;

1997-2016 йилларда жанубий вилоятларнинг умумтаълим мактаблари, ўқувчилари ва ўқитувчилар сони динамикаси шаҳар ва туманлар кесимида тарихий даврларга бўлинган ҳолда аниқланиб, умумтаълим мактабларида ўқувчиларни Интеллектуал, маънавий-маърифий тарбиялашга юзаки ёндашиш, уларга таълим беришда мажбурий фанлар улушининг юқорилиги, хусусий таълимга шаклида рақобатнинг йўқлиги каби самарасиз механизм ўқувчилар онгининг замон талабидан ортда қолишига ҳамда уларнинг дунёқарашининг саёз бўлишига сабаб бўлганлиги Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мактаблари фаолияти мисолида ўрганилишига доир натижаларидан Қашқадарё вилоят телевидениеси орқали намойиш этилган “Ўқувчи ёшлар юрт келажаги” мавзусидаги кўрсатув сценарийсини ҳамда вилоят “Олтин Воҳа” радиосининг “Таълим ва ислохот”, “Ўқитувчи – қалб меъмори” каби эшиттиришларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 24 ноябрдаги 04-15/2759-сонли маълумотномаси). Натижада таълим тизими ислохотларининг мазмун-моҳиятини, педагог кадрлар тайёрлаш муаммоларини, ўқувчи ёшлар тарбиясида маънавий-маърифий тадбирлар мазмунини аҳолига тўғри ва холис етказишга хизмат қилган;

жанубий вилоятларнинг умумтаълим мактаблари, ўқувчилари ва ўқитувчилар сони динамикаси шаҳар ва туманлар кесимида тарихий даврларга бўлинган ҳолда ўрганилиши, фанларни ўқитиш бўйича педагоглар танқислиги, умумтаълим мактабларида ўқувчиларни Интеллектуал, маънавий-маърифий тарбиялашга юзаки ёндашиш, уларга таълим беришнинг самарасиз механизми

ўқувчилар онгининг замон талабидан ортда қолишига ҳамда уларнинг дунёқарашининг саёз бўлишига сабаб бўлганлиги каби натижалардан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Дастурининг VI бўлимида кўрсатилган ижтимоий, гуманитар, маънавий соҳалар ва жамият ақлий салоҳиятини ривожлантириш борасидаги вазифаларини бажаришда фойдаланилган (Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаш ижроия қўмитасининг 2019 йил 29 октябрдаги 01-27/850-сонли маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қашқадарё вилоят Кенгаши томонидан ўтказилган тадбирларда ёшларда Ўзбекистон таълим тизимининг йўлга қўйилиш ҳолати ва унинг тарихини ўрганишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий конференцияларда, жумладан, 2 та халқаро конференцияда: “Хотин-қизларнинг фан, таълим, маданият ва инновацион технологияларни ривожлантириш соҳасидаги ютуқлари” (Жиззах, Ўзбекистон, 2019), “In the IX International Scientific and Practical Conference Challenges in Science of Nowadays” (Вашингтон, АҚШ, 2021, 16-18 июль) ҳамда Республика илмий амалий конференцияларида: “Ўзбек давлатчилиги ва маданияти тарихида жанубий Ўзбекистоннинг ўрни” (Қарши, Ўзбекистон, 2018); “Инновацион тараққиётни амалга оширишда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясининг аҳамияти” (Қарши, Ўзбекистон, 2018); “Инновацион тараққиётни амалга оширишда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясининг аҳамияти” (Қарши, Ўзбекистон, 2019); “Юксак билимли ва Интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш-мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” (Қарши, Ўзбекистон, 2020), тўплам (“Интеллектуал салоҳият тараққиёт мезони”, илмий мақолалар тўплами, Тошкент, 2017) ҳамда илмий-техник журналда (“Инновацион технологиялар”, Қарши, 34-сон, 2019/2) апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациясини асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 4 та ҳамда 2 та хорижий журналда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 160 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган. Тадқиқотнинг

Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда таълим соҳасидаги ислоҳотлар ва унинг натижаси”** деб номланган биринчи бобида “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва унинг умумтаълим соҳасидаги ислоҳотларга таъсири, мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон жанубий вилоятларида умумий ўртатаълим тизимидаги ўзгаришлар каби масалалар ёритиб берилади.

Ўзбекистонда мустақиллик даврида таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниб, миллий педагогика тафаккури таъсирида таълим жараёнини соғломлаштириш бошланди. Таълим соҳаси тарихини бевосита қуйидаги даврларга бўлиб таҳлил этиш мақсадга мувофиқ:

1. 1991-1997 йиллар – мустақилликнинг дастлабки йилларида таълим тизимидаги ислоҳотлар ва уларнинг натижалари.

2. 1997-2004 йиллар – “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ва умумтаълим тизимидаги ўзгаришлар даври.

3. 2004-2017 йиллар – таълим ислоҳотлари ва муаммолари.

4. 2017 йил ва ҳозирги давр – таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг янги босқичи.

Таълим тизими ҳуқуқий асосларининг таянчини барпо этиш мақсадида 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида “Таълим тўғрисида” ги Қонун қабул қилинди. Гарчи бу ҳужжат ўтиш даври учун таълим соҳасининг йўлга қўйилишида муҳим қонун бўлса-да, тизимда йиғилиб қолган муаммоларни еча олмади. Бу ҳолатнинг ўзига хос омиллари мавжуд эди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатдаги иқтисодий қийинчиликлар, таълим соҳасида жаҳон тажрибасидан унумли фойдалана олинмаганлиги, таълимда талаб ва таклиф ўртасидаги номуносиблик кабилар шулар жумласидандир.

Зарурият туфайли янгидан “Таълим тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг IX сессиясида тасдиқланди. Қонунда таълимни ислоҳ қилиш билан боғлиқ бўлган муаммо ва камчиликлар, шунингдек, амалга ошириш зарур бўлган чора-тадбирлар белгилаб берилди⁷. Янги қонуннинг қабул қилиниши мамлакатда таълим-тарбия соҳасида янги босқичга ўтилганини ва бу борадаги ислоҳотларнинг чуқурлашуви бошланганлигини кўрсатди. Янги қонунда таълим тизимида ислоҳотларни босқичма-босқич олиб борилиши назарда тутилди. Таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотнинг чегараси ва поёни йўқ. Ҳаёт давом этар экан, таълим ҳам, тарбия ҳам замон ўртага қўяётган янги-янги талабларга кўра муттасил равишда ўзгариб, янгиланиб боради.

⁷Каримов. И. А. Баркамол авлод орзуси. – Тошкент: Шарқ, 2000 йил. – Б. 97.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида, яъни 1991 ва 1997 йиллари Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий танглик ўз ўрнида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига салбий таъсир кўрсатди. Жумладан, бу давр таълим тизимида алоҳида бир давр ҳисобланиб, бунда ўз ечимини кутаётган муаммолар тўпланиб бориши билан характерланади. Таълим муассасалари фаолиятини йўлга қўйишда жаҳон тажрибасининг қўлланилмаганлиги, соҳани тартибга солишда ҳуқуқий норматив ҳужжатларнинг эскирганлиги, умумий ўртатаълим мактаблари моддий-техника базасининг ночорлашуви, ўқув адабиётлари мазмунининг замон талабларидан ортда қолиши, ўқитувчилар малакасининг пастлиги каби муаммолар бу даврда, айниқса, долзарб бўлди. Мазкур муаммолар Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари халқ таълими тизимида ҳам яққол кўзга ташланди. 1991-1992 ўқув йилида Қашқадарё вилоятида 917 та умумтаълим мактаблар бўлиб, шундан 822 таси қишлоқларда фаолият кўрсатди. Сурхондарё вилоятида эса жами 677 та умумий ўртатаълим мактаблари фаолият кўрсатиб, шундан 626 таси қишлоқ жойларда жойлашди⁸. Мактаб биноси қурилиши кўп ҳолларда маблағ етишмаслиги туфайли тўхтаб қолган. Масалан, Сурхондарё вилояти Шўрчи шаҳрида 1992 йили 340 ўринга мўлжалланган мактаб биноси маблағ етишмаслиги туфайли тўхтатилган⁹.

Кўп йиллар Қарши шаҳар халқ таълими мудирининг лавозимида фаолият кўрсатган Қодирова Мамлакат Мўминовна бу даврни шундай хотирлайди: “1991 йиллар халқ таълими учун энг қийин вақтлар бўлган. Чунки Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач ўзининг чегараси, пули, герби, мадҳияси билан овора бўлган вақтда мактаблар ўз ҳолига қолиб ўша вақтда таълимга, жамиятга қарши бўлган одамлар диний экстремистик турли-туман ваҳобий, акромий деган оқимлар пайдо бўлиб, улар мактабда “Миллий мактаб” деган тушунчани илгари сура бошлади. Жуда кўп ўқитувчиларнинг ўзи “Миллий мактаб” деган тушунчага эга эмасди. Бу даврда вазият ниҳоятда қалтис эди”¹⁰. Демак, умумтаълим тизими ҳар жиҳатдан қийинчиликларни бошидан кечирди.

1993 йил 13 апрелда Сурхондарё вилояти халқ депутатлари кенгашининг навбатдан ташқари сессияси чақирилиб, унда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов иштирок этди ва маъруза қилди¹¹. У ўз маърузасида вилоятдаги 43 та мактабнинг аҳволи хароб эканлигини, 483 та мактабда эса ўқиш икки сменада олиб борилаётганлигини таъкидлайди. Бу даврда Сурхондарё вилоятида 107 та мактабда машғулотлар мослаштирилган биноларда олиб борилиб, шундан 47 таси авария ҳолатида эди¹². Бу муаммолар узок йиллар ўз ечимини топмай келди.

Давр талабидан келиб чиқиб, ўқитишнинг энг илғор усуллари ҳисобланган ностандарт дарс формалари, яъни дарс-конференция, дарс-синов, суҳбат дарси

⁸Ўзбекистон Миллий архиви (Ўз МА), М – 26-фонд, 1-рўйхат, 106-иш, 10-22-варақлар.

⁹Сурхондарё вилояти ҳокимлиги қошидаги архив, (СВХА)1091-фонд, 1-рўйхат, 1439-иш,

¹⁰Қарши шаҳар халқ таълими бўлими мудирининг лавозимида ишлаган, 1954 йил 2 январда Қарши тумани Араловул маҳалласида туғилган Қодирова Мамлакат Мўминовна билан суҳбат. 2020 йил 4 март.

¹¹Тошхўжаев Х. Беғубор орзулар, эзгу мақсадлар // Халқ сўзи, 2013 йил 28 май. – №102.

¹²Ўз МА, М - 26-фонд, 1-рўйхат, 140-иш, 53-варақ.

кенг қўлланилди. Бу борада Қарши шаҳридаги 15-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Г.А. Гостина, 11-мактабнинг физика фани ўқитувчиси О. Г. Есаян, 1-мактабнинг биология фани ўқитувчиси Г.У. Темиргалиева, 10-мактабнинг математика фани ўқитувчиси К. Жўраева, шу мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Ф. Азизова, 3-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Х. Каримова сингари педагогларнинг тажрибаси оммалаштирилди¹³. Тажрибали педагог ўқитувчилар ўз фидойиликлари билан таълим ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мактабларида ҳам хорижий тилларни ўқитиш бўйича жиддий ҳаракатлар бошланди. Масалан, 1991-1992 ўқув йилида Сурхондарё вилояти шаҳарларида жами 8245 та синфда хорижий тиллар ўқитилди¹⁴. Демак, мактабларда хорижий тилларни ўқитишга эътибор мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ бошланди.

Таълим тизимида умумий мактаблар билан бир қаторда махсус ихтисослашган мактаблар, лицей ва гимназиялар ташкил этилди. 1993-1994 ўқув йили мобайнида Сурхондарё вилоятида ташкил этилган 6 та лицейда 1000 нафар ўқувчи, мактаблар қошидаги лицей синфларида 541 нафар ўқувчи, 443 та мактабда эса чуқурлаштирилган режа асосида 1996 нафар ўқувчи таҳсил олди¹⁵. 1993-1994 ўқув йилида Қашқадарё вилоятида 6 та махсус мактаб-интернатлар фаолият кўрсатди¹⁶. Қарши шаҳрида 1995 йили ташкил этилган Нодирабегим номидаги 2-сонли ихтисослашган умумий ўрта таълим мактаб-интернати (ИУМИ) вилоятдаги энг нуфузли таълим масканларидан бири эди. Мактабда 8 та рус ва 18 та ўзбек синфлар фаолият кўрсатди¹⁷. Бу турдаги мактабларга имкон қадар билимли, ўз устида тинмай ишлайдиган педагоглар ишга қабул қилинди. Ушбу жараёнлар Ўзбекистонда умумтаълим тизимида янгиланиш ва ўзгаришлардан далолат беради.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари ҳар доим ҳам талаб даражасида олиб борилмади. 1993 йил Қашқадарё вилояти Халқ таълими бошқармаси жорий архиви маълумотларида 6685 нафар педагог давлат ва идораларга тегишли уйларда истиқомат қилиши, улардан 6112 нафар кишига яшайдиган уйлар хусусий қилиб берилганлиги кўрсатилган. Аммо амалда фақат педагог ходимлардан 3027 нафар киши яшайдиган уй хусусий қилиб берилган¹⁸. Бу даврда мактаб ўқитувчилари жуда оғир шароитларда турмуш кечирди.

Хуллас, мустақиллик йилларида таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш давр талабига айланди. Дастлабки даврда таълим муассасалари фаолиятини

¹³Раҳимов Р. Энг улуғ вазифа // Қашқадарё ҳақиқати, 1991 йил 21 сентябр. – №151.

¹⁴Ўз МА, М – 26-фонд, 1-рўйхат, 268-иш, 13-варак.

¹⁵Турсунов С., Қобилов Э., Пардаев Т. ва бошқ. Сурхондарё тарих кўзгусида / Авт.: – Тошкент: Шарк, 2001 йил – Б. 343.

¹⁶Ўз МА, М – 26-фонд, 1-рўйхат, 140-иш, 95-варак.

¹⁷ Қарши давлат 2-сон ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати директори, 1967 йил 18 январда Қарши шаҳри, Махаллот маҳалласида туғилган Ҳалилова Нигора Шариповна билан суҳбат, 2020 йил 12 март.

¹⁸Қашқадарё вилояти ҳокимлиги архиви (ҚВХА), 829-фонд, 1-рўйхат, 60-иш, 1-20-вараклар.

тубдан ўзгартиришга ҳаракат қилинсада, аммо соҳа ҳуқуқий базасининг ночорлиги туфайли муаммолар тўпланиб борди. Шу боис, “Таълим тўғрисида”ги Қонун қисқа фурсат давомида қайта қабул қилинди. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳам янги турдаги таълим муассасалари, яъни лицей-мактаб, мактаб-интернат, ихтисослашган мактаб каби тушунчалар пайдо бўлди. Умумтаълим мактабларида хорижий тилларни ўқитиш кун тартибининг долзарб масаласига айланди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ўзбекистон жанубий вилоятлари умумий ўрта таълим мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасидаги чора-тадбирлар”** деб номланиб, унда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари таълим тизими моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирлари ва уларнинг натижаси, умумтаълим мактабларини кадрлар билан таъминлаш масалалари кўриб чиқилади.

Ўзбекистонда таълим тизими ислохотларининг ижобий натижаси кўп жиҳатдан соҳа моддий-техника базасининг мустаҳкамланишига боғлиқ бўлди. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари умумий ўртатаълим мактабларини таъмирлаш ва янгиларини бунёд этиш юзасидан муайян тадбирлар олиб борилди. 1998 йили Сурхондарё вилоятидаги мавжуд 778 та мактабнинг 89 тасини капитал, 689 тасини жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди¹⁹. 1999 йил Қашқадарё вилояти умумтаълим мактабларига маҳаллий бюджетдан ўқувчилар партасини сотиб олиш учун халқ таълим бошқармасига 15 млн сўм маблағ ажратилди²⁰.

Ўзбекистонда умумий ўртатаълим мактабларини таъмирлаш ва янги биноларни бунёд этишда Республика маблағи билан бирга, халқаро банклар маблағларидан ҳам фойдаланилди. Масалан, 2004 йил Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги 30 та мактаб биносини таъмирлаш учун Осиё тараққиёт банки лойиҳаси бўйича 30 млн. сўм ажратилди²¹. Амалга оширилган тадбирлар натижасида вилоят халқ таълими тизимида сифат ва миқдор ўзгаришларга эришилди. 1997 йили вилоятда 772 та мактаб фаолият кўрсатган бўлса, 2010 йил уларнинг сони 878 тага етди²².

Аммо ҳамма жойда ҳам аҳвол бир хил эмас эди. Масалан, 2001 йил Қашқадарё вилояти туманларида жами 38 та авария ҳолатидаги мактаблар бўлиб, шундан, 15 таси Деҳқонобод туманида, 12 таси Чироқчи туманида эди. Вилоятдаги 1078 та умумий ўртатаълим мактабларидан 146 таси капитал таъмирга муҳтож эди. Айниқса, Касби, Китоб, Чироқчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманларида бундай мактаблар кўпчилики ташкил этди²³. Туманлардаги кўпчилик мактаблар бир вақтлар пахсадан қурилган. Ҳатто вилоят маркази Қарши шаҳрида ҳам ана шундай ночор аҳволдаги мактаблар мавжуд эди.

¹⁹Турсунов С., Қобилов Э., Пардаев Т. ва бошқ. Сурхондарё тарих кўзгусида / Авт.:— Тошкент: Шарқ, 2001. — Б. 350.

²⁰ҚВҲА, 829-фонд, 10-рўйхат, 39-иш, 96-98-варақлар.

²¹Сурхондарё вилояти ҳокимлиги архиви (СВҲА), 143-фонд, 15-рўйхат, 28-иш, 13-варақ.

²²Сафаров Б., Туропова М., Бозорова Х. Баркамол авлод тарбиясида халқ таълимининг аҳамияти // Насаф ва Кеш тарихи манбаларида мавзусидаги конференция материаллари. — Қарши, 2010. — Б. 248-249.

²³ҚВҲА, 829-фонд, 12-иш, 35-иш, 1-18-варақлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 331-сонли қарорига асосан таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш учун давлат таълим стандарти ва илғор педагогик технологияларни қўллашга, илм масканларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга эътибор берилди. Дастурга асосан Қашқадарё вилоятида 344 та мактаб капитал, 268 та мактаб жорий таъмирланган бўлса, капитал реконструкция қилинган 208 та мактаб янги қиёфа касб этди²⁴. Сурхондарё вилоятида ҳам мазкур Дастурга мувофиқ катта ишлар амалга оширилди. Вилоятда 25 та янги мактаб биноси бунёд этилди. Шунингдек, 233 та мактаб биноси капитал реконструкция қилинди²⁵. Мазкур дастур умумтаълим мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бир қарашда соҳада олиб борилаётган ишлар силлиқ кетгандай туюлса-да, аммо қатор муаммолар ҳам мавжуд эди. Масалан, 2010 йил Қашқадарё вилоятидаги 662 та мактабда спорт заллари мавжуд бўлмай, 640 та мактабда телефон алоқаси етиб бормади²⁶. Сурхондарё вилоятида ҳам шу аҳвол кузатилади.

Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда халқ таълими тизими моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирлари кучли олиб борилди. Қашқадарё вилоятида 2017 йилги инвестиция дастурига кўра, жами 48 та мактабда 53891,1 млрд. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди²⁷. Таълим тизимида, айниқса унинг моддий таъминотини яхшилаш тадбирларини олиб боришга кучли аҳамият берилди.

1997-2004 йиллар ва 2005-2017 йиллар ҳамда 2017 йилдан ҳозирги кунгача Ўзбекистон халқ таълими моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишининг ҳолати турлича бўлди. Бу аввало муайян даврда таълим тизимида эътибор, давлат бюджетидан соҳага маблағ ажратиш, мактабларда таълим-тарбия жараёнини яхшилаш, ўқитувчиларнинг билим савиясини кўтариш юзасидан олиб борилган чора-тадбирларга боғлиқ бўлди. Қайсидир даврда, халқ таълими тизими моддий-техника базасини мустаҳкамлашда, аввало, мактаб учун янги бинолар бунёд этиш, мавжудларини таъмирлаш ва уларни жиҳозлаш, умумтаълим мактабларини ўқув қўлланма ва дарсликлар билан таъминлаш, компьютер технологияларини етказиб беришга кучли эътибор қаратилган бўлса, ундан аввалги даврларда ушбу масалалар ечими эътибордан четда қолди. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари умумтаълим мактаблари масаласидаги энг жиддий муаммо турли фанлар бўйича олий маълумотли педагоглар танқислиги бўлди. Вилоят туманлари умумтаълим мактабларида

²⁴Кенжаева Д. 109 та мактабнинг бири // Qashqadaryo, 2010 йил 1 январь. – №1.

²⁵Тошхўжаев З., Маматрайимова Х. Баркамол авлоднинг катта спорт байрами // Ma'rifat, 2011 йил 30 апрель. – №028.

²⁶Эргашева Ю. Қашқадарёда истиқлол йилларида таълим, илм-фан, адабиёт ва санъат // Насаф ва Кеш тарихи манбаларда мавзусидаги конференция материаллари. – Қарши, 2010 йил – Б. 155-156.

²⁷Қашқадарё вилояти 2017 йилнинг 1-ярим йиллигида халқ таълими тизимини ривожлантириш якунлари ҳамда иккинчи ярим йилликда бажарилиши кўзда тутилаётган асосий вазифалар. Маълумотнома папкаси 1-4 варақлар.

педагоглар танқислиги доимий сезилиб турди. 2000 йил Қашқадарё вилояти таълим муассасаларига математика, физика, чет тили, бошланғич таълим фанлари бўйича 13479 нафар педагог етишмади²⁸. 2001-2002 ўқув йилида Қашқадарё вилояти умумтаълим муассасаларида фаолият кўрсатган ўқитувчиларнинг фақат 68,8 фоизи олий маълумотли эди. Сурхондарё вилоятида 2008-2009 ўқув йилида мактаб ўқитувчиларининг фақат 55,2 фоизи олий маълумотли эди²⁹. Бу ҳолат таълим сифатига жиддий салбий таъсир кўрсатди. Ўқувчиларни билим савияси пасайишга сабаб бўлди.

Ўзбекистон жанубий вилоятларида ўқитувчиларни рағбатлантириш бораси муайян ишлар амалга оширилди. Масалан, 1991-2004 йиллар давомида Қашқадарё вилояти бўйича 141 нафар ўқитувчи давлат мукофоти билан, 690 нафари “Республика халқ таълими аълочиси” ва 706 нафари “Қашқадарё вилоят халқ таълими фидойиси” нишони билан тақдирланди³⁰. Вилоятда ўқувчиларга яхши таълим-тарбия беришдаги хизматлари учун таниқли педагоглардан Раъно Содиқова “Соғлом авлод учун” ордени, Муҳаббат Шаропова “Меҳнат Шухрати” ордени, Хайрулла Раҳматов, Муҳаббат Иззатуллаева “Фидойи ўқитувчи” унвони билан, Бўритош Ҳамроева “Халқ ўқитувчиси” унвони билан тақдирланди³¹. Сурхондарё вилоятида умумтаълим тизимида фидокорона меҳнати туфайли моҳир педагоглардан З.Шапўлатов, Н.Соипова, Х.Чоршамиев, Л.Астанакулова, Б.Эгамов, Б.Файзуллаева кабилар давлат мукофоти билан тақдирланди³². Шохида Арипова 2010-2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси бўлиб, 2007 йили Ўзбекистон Халқ ўқитувчиси фахрий унвони билан тақдирланди³³.

Ўқитувчи олдида турган вазифалар ва унинг мавқеи жамият тараққиётининг турли даврларида турлича бўлди. Мамлакат бўйлаб минглаб ўқитувчилар касб байрамларини пахта далаларида нишонлади, ўн минглаб ўқувчи-талабалар, болалар қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этилди.

Кейинги йилларда мактаб таълим тизимида эркак ўқитувчилар ўрни катталиги ҳисобга олиниб, бу бўйича қатор тадбирлар кўрилди. Натижада 12 минг 871 нафар эркак ўқитувчилар мактабга қайтди. Ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш бўйича қатъий чоралар кўрилди. 2017-2019 йилларда ўқитувчиларнинг иш ҳақи ўртача 2,5 баробар ўсди. “Ҳурматли муаллимларимиз, жонкуяр мактаб директорларини, соҳа фахрийларини эл-юртимизнинг таянчи ва суянчи, деб биламиз, – деди Президентимиз. – Мактаблар тизимини ривожлантириш учун бундан буён ҳам маблағни, имкониятни асло аямаймиз. Келажак авлодимиз тақдири, бутун миллатимиз, халқимиз, давлатимиз

²⁸ҚВХА, 846-фонд, 10-рўйхат, 98-иш, 14-варақ.

²⁹Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси жорий архивининг маълумот папкаси. Бошқарманинг 2008-2009 йилги ҳисоботи папкасидан. – Б.15

³⁰Қубаев Ш. Таълим равнақи ва самарадорлиги учун // Qashqadaryo, 2004 йил 15 декабрь. – №100.

³¹Нурий А. Зиё улашиб // Qashqadaryo, 2001 йил 8 апрель. – 32-сон.

³²Раҳмонкулова Ф. Орзуимдаги муаллим // Сурхон тонги, 2017 йил 29 сентябрь. – №53.

³³Ўзбекистон Халқ ўқитувчиси, 1958 йил 1 апрель Тошкент вилояти Бўка туманида туғилган Арипова Шохида Раҳматовна билан суҳбат. 2020 йил 22 ноябрь.

тақдири муҳтарам муаллимларга боғлиқ”³⁴. Албатта мураббийларга кўрсатилаётган бу эҳтиром ўз ижобий натижасини беради.

Ўзбекистон халқ таълими тизимидаги ислохотларни даврлар бўйича таҳлили шундан далолат берадики, 1997 йил “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва 2004 йилги “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий Дастури”нинг қабул қилиниши умумтаълим тизимида туб ўзгаришларни амалга оширишга асос бўлди. Таълим тизимидаги ислохотларнинг ижобий натижаси умумтаълим мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамланишни тақозо этди. Ҳар бир даврда таълимга давлат бюджетида ажратилган маблағлар миқдори кўпайтириб борилди. Хуллас, таълим тизимидаги ислохотлар умумтаълим мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамланишни тақозо этди. Аммо кўп йиллар давомида жанубий вилоятларнинг туман мактаблари биносининг кўпчилиги талабга жавоб бермай, авария ҳолатида бўлди. Масалан, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод, Чироқчи, Сурхондарё вилоятининг Шўрчи, Қизирик туманларида бу борада муаммолар тўпланиб борди. Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг қабул қилиниши бу борадаги ишларнинг яхшиланишига хизмат қилди. Ўзбекистон жанубий вилоятлари умумтаълим мактаблари масаласидаги энг жиддий муаммо педагог кадрлар етишмаслиги билан боғлиқ бўлди. Хусусан, Қашқадарё вилоятининг Нишон, Шаҳрисабз, Деҳқонобод ҳамда Чироқчи тумани мактабларига мутахассислар танқислиги кучлилиги аниқланди.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон жанубий вилоятлари умумий ўрта таълим мактаблари таълим-тарбия ишидаги ўзгаришлар”** деб номланган учинчи бобида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мактабларида ўқув-тарбия ишларининг йўлга қўйилиши ва уларнинг натижалари, умумтаълим мактабларида маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари каби масалалар хусусида фикр-мулоҳаза юритилади.

Замон талабидан келиб чиқиб, мустақиллик йилларида таълим-тарбия масаласига эътибор қаратилди. Халқ таълими тизимида ўқув-тарбия ишларини ислох қилиш, унда давлат стандартларини жорий этиш, халқ таълимининг барча шаҳобчалари ишларини аниқ концепциялар асосида ташкил қилиш йўлида муайян тадбирлар амалга оширилди³⁵.

Таълим тизими фаолиятининг самарадорлигини таъминлашнинг энг муҳим воситаларидан бири бу ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 январдаги “Ўзлуksиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди³⁶. Қарорда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Қарши ва Термиз шаҳарлари халқ таълими бўлими тасарруфидаги таълим муассасалари ҳузурида китоб савдоси ташкил этилди.

³⁴Мирзиёев Ш.М. “Мактаб таълимини ривожлантириш умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур”. 23 август 2019 йил Халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи // Халқ сўзи, 2019 йил 24 август. – №174.

³⁵ЎзМА, М – 26-фонд, 1-рўйхат, 140-иш, 75-90-варақлар.

³⁶Жумаев П. Таълим бевосита ишимиз // Халқ сўзи, 1999 йил 6 январь. – №3.

Қашқадарё вилояти кам таъминланган оилаларнинг 4-5-синф ўқувчилари учун оталиқ ва ҳомий ташкилотлар ҳисобидан 1 миллион сўмлик, таълим ва фан ходимлари касабга уюшма қўмитаси ҳисобидан ўқитувчи ходимларнинг 4-5-синфларда ўқийдиган болалари учун 300 минг сўмлик китоб савдоси уюштирилди³⁷.

